



# ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРVARЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ СОҲАСИДАГИ ЭМПИРИК ТАЖРИБАЛАР

*Маъruzachi: Ибраимов Холбой Ибрагимович –  
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси,  
академик, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Тарбия  
педагогикаси миллий институти директори*



Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даврида, дунёning турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз берайтган қуролли мажаролар ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймокда.

Айнан шундай шароитда мамлакатимиз ёшлини ватанпарварлик, шу жумладан, ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдириш, «**Халқ ва армия — бир тану, бир жондир!**» деган эзгу фоя асосида ёшлар тарбиясига масъул вазирлик ва идораларнинг куч ва имкониятларини бир ғоя, бир мақсад асосида бирлаштириш талаб этилмокда.



«Биз Янги  
Ўзбекистонни барпо этишга  
қарор қилган эканмиз, иккита  
мустаҳкам устунга таянамиз.  
Биринчиси —бозор  
тамойилларига асосланган  
кучли иқтисодиёт,  
Иккинчиси  
ажоддларимизнинг бой  
мероси ва миллий ва  
умуминсоний қадриятларга  
асосланган кучли маънавият»

**Ш.М.Мирзиёев**

Дарҳақиқат, ватанпарварлик ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳисси, Ватан тақдирига дахлдорлик түйғусини, фаол ҳаёттой позиция ва қатъий эътиқодини, касбий маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир. Бундан унумли фойдаланган ҳолда ёшларимизда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Она-юрт тақдири учун масъулият түйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўришимизни тақозо қилмокда.

Бунинг учун ўқувчи-ёшларда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган қадимий анъана ва қадрияти асосида буюк аждодларимиз **Амир Темур, Захириддин Мухаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди** сингари она Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр мард ва юрга садоқати, ватан озодлиги учун жонини фидо қилган **Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик** сингари халқимизнинг мард ва жасур фарзандлари биз учун, ўсиб келаётган ёш авлод учун ўrnак-наъмуна тимсоли эканлиги, бу жасорат замирида она Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат туйғуси ётишлигини қалби ва онгига сингдиришимиз лозимдир.

*Ўпинг, кўзингизга суринг тупроғин,  
Ҳар сўзин мұқаддас дуодек севинг.  
Қадаңг юракларга миллат байроғин  
Ватани Нажмиддин Кубродек севинг.*

*(Мухаммад Юсуф)*




Маълумки, XIX аср охирларидан маърифатпарварлик оқими сифатида пайдо бўлган **жадидчилик ҳаракати** XX аср бошларидан эътиборан ўзининг тадрижий ривожланиш босқичида янги бир даврга кирди. Бу даврда жадидчилик ўз олдига кенг ислоҳотчилик мақсадларини қўйган ижтимоий-сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилиди. Туркистон тараққийпарварлари меросини ўрганишнинг муҳим жиҳати шундаки, улар бундан юз йиллар муқаддам юрт мустақиллиги ва ёш авлодни маърифатли қилишмасаласини олға сурган эдилар. Жумладан, жадидлар ўлканинг тараққиётга эришувини билимли ёшлар қўлида, деб билганлар ва уларни ривожланган мамлакатларга таълим олиш учун юбориш, хорижий тилларни ўрганиш, замонавий илм-фан ва техника билимларини эгаллаш каби масалаларни кўтарганлар.



Улар мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли **таълим ислоҳоти**, деб қарадилар ва маърифатпарварлик ғоялари асосида ёш авлодни тарбиялашга асосий эътибор бердилар. Янги усул мактаблари, кутубхоналарочдилар, дарслик, ўқув қўлланмалари ёздилар ва нашр эттиридилар. Айни пайтда улар инсон хукуклари, миллий, диний, иқтисодий эркинликлар кафолатланган, хукукий-демократик миллий давлатчиликнинг назарий асосларини яратишга ҳаракат қилдилар.

# Ватанпарварлик нима?


(юонча *patriotes* – ватандош, *patris* – ватан) – туғилиб ўсган юрт, ватанга муҳаббат, садоқат, ўз хатти-ҳаракатлари билан унинг равнақи учун хизмат қилиш, Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она ҳалқининг орномуси, шон-шарафи, баҳту саодати учун кучғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини баҳш этишни ифода этади;



Ватанпарварлик тарбияси негизида ҳалқ ўтмиши, тарихини ўрганиш, миллий қадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятга ёшларни жалб этиш мақсади ётади. Ўтмиш мутафаккирларининг қарашлари, бой маънавий мероси, ғоялари бугунги авлод учун дастуриламал вазифасини ўтайди. Алломалар, ҳалқ қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиш шахснинг инсон сифатида ким эканлигини англаб этишига ёрдам беради;

Буюк Бобуршоҳнинг “Ўз ерни кўйиб Ҳинд сори юзландим, Ёраб, нетайин не юз қаролиғ бўлди” деган таваллосида Ватандан жудоликни “юз қаролиғ” деб афғон чекишидан, Фурқатнинг ватандан йирокда “Адашган ит киби Фурқат, қаён боргум билолмасман” дея нола қилишидан ёхуд Абдулла Ориповнинг она юртга оид қалб туғёнларини “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” дея жўшиб-тошиб куйлашидан Ватан тимсоли инсоннинг қалбу шуури, эс-хушига жон қадар ва битмастуганмас маънавий-руҳий озиқ беришини сезиш қийин эмас.

## Ватанпарварликнинг ижтимоий ҳодиса сифатида илдизлари бир қатор омилларга боғлиқ:



**Иқтисодий нуқтаи назардан**, бу аҳолининг етарлича турмуш даражаси, **маънавий маънода** эса шахснинг ўз мамлакати, урф-одатлари ва миллатнинг ғоявий бирлиги билан фахрланиш хисси, сиёсий маънода – мамлакат бошқарув тузилмаларининг барқарор ва самарали ишлашига ишончни англатади. Инсон тарихий тараққиётида мукаммал адабиёт, санъат ва илм-фанга эга бўлган ва кўпинча бутун дунёда ўз динига, подшоҳига ва ватанига бўлган ишонч, иродасини белгилаб берадиган мафкура, ҳарбий урф-одатлар ва ўз мамлакатларидан фахрланиш туйғуси мавжуд бўлган.

**Т.Белованинг** фикрича, ватанпарварлик түғма түйғу эмас, у инсоннинг кўп қиррали ҳаёти жараёнида тарбияланади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ўз-ўзидан ватанпарварлик түйғусини ривожлантиришга қодир бўлмаган жамият муаммоларга дучор бўлади. Ёш авлод ўртасида Ватанга ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсаларга бўлган муҳаббатни тарбиялаш бугунги кунда ватанпарварликнинг қандай таркиб билан тўлдирилишини аниқ тушунишни талаб қиласи. Ватанпарварлик ҳам шахснинг фуқаролик позициясидир. Бундай шароитда мавжуд воқеаларни ҳар томонлама таҳлил қила оладиган ва талabalар эътиборини мамлакат тараққиётидаги ижобий ютуқлар ва ҳодисаларга йўналтира оладиган ўқитувчиларнинг роли ортиб бормокда. Ҳар бир университет профессор-ўқитувчисининг фаолияти талabalарда Ватанга садоқат ва муҳаббат, ўз ватани ва халқи такдири учун жавобгарлик түйғуларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

# Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари қуидаги тўрт босқичда амалга оширилади:



биринчи босқич (3-7 ёшдагилар) атрофдаги олам, Ватан ҳақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўладиган босқич ҳисобланиб, унда оила ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тегишли йўналишлар бўйича шеърлар, кўшиқлар ўргатиш, эртак ва ҳикоялар айтиб бериш, расмлар чиздириш, ҳарбий музейлар ва маданият ва истироҳат боғларига экспурсиялар, спорт мусобақалари ташил этиш, давлат рамзлари (байроқ, герб, мадхия) билан таништириш асосида уларда она юрга муҳаббат туйғуларини шакллантиришни ўз ичига олади;



иккинчи босқичда (7-16 ёшдаги болалар) ўқувчиларнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, Она-юрг олдидаги фарзандлик бурчини юксак масъулият билан бажариш, уларда Қуролли Кучларимизга бўлган ишонч ва ижобий фикрларни янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етук, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга даъват этилади;



учинчи босқич (16-18 ёшдаги ўсмирлар) ёшларда Ватанга ва унинг ҳимояси учун муносиб хизмат қилишга руҳан ва жисмонан тайёрликни таъминлашга йўналтирилади. Миллий армиямиз учун жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизматнинг аҳамияти, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берилади;



тўртинчи босқич (18-30 ёшдагилар) ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик кўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, профессионал малакасини ошириш, эгаллаган касбига садоқати ва фидойилиги билан Ватан равнаки ва юрг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш ва бунга эришишни назарда тутади.



Фикримизча халқимизга хос ватанпарликнинг таркибий қисмлариға қуидагиларни киритиш мумкин:

- оила аъзолари, қўни-қўшнилари, махалла-кўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги хақида қайғуриш;
- ота-боболардан, аждодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаш;
- миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга содик бўлиб қолиш;
- халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши;
- умумхалқ маъқуллаган ва хукумат томонидан қабул қилинган қонунларни хурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш;
- Ватани ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, харбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшаш ва бошқалар.

Истиқболли режалар ва туб демократик ислоҳотлар ватанпарварлик тарбиясини янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида олиб боришни тақозо этмоқда. Биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккури ва қалбида ватанпарварлик туйғуларни шакллантириш амалиётини “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс сари”, “Армия ва халқ – бир тану бир жондир”, “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий”, “Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий”, “Бир болага етти маҳалла – ота-она”, “Жаҳолатга қарши маърифат, ғояга қарши – ғоя билан курашиш”, “Биз ғуури, орияти, маънавияти баланд халқмиз”, “Янги Ўзбекистон – маърифатпарвар давлат”, “Буюк саркардаларимизнинг жасорати ва ҳарбий мероси”, “Маърифат ва диний бағрикенглик”, “Инсон қадри учун” тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тушинтиришдан бошлаб, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор қаратмоғимиз лозим.



Ёшларда фаол ҳаётий позиция ва ўзининг мустақил фикр-мулоҳазаларини аниқ баён эта олиш, масъулиятни ҳис этиш, қатъий тартиб ва интизомга риоя қилиш фазилатларини шакллантириш, уларни қатъиятли бўлишга ўргатиш зарур. Жамиятда ватанпарвар ва фидойи инсонлар кўпайиши натижасида маънавий-маърифий ҳаётда ҳамда бошқа жабҳаларда туб ижобий ўзгаришлар юзага келади.



*...Ҳар қанча этсанг  
арзийди ўзбек,*

*Балқибсан бир зотнинг  
юксак шонида.*

*Темурбек юлдузи олтин  
қозиқдек*

*Чараклар буюклар  
қахкашонида.*

*Абдулла Орипов,  
“Соҳибқирон” шеърий драмаси*

## Хулоса ўрнида:

- ўқувчи ёшларимизнинг янги жамият қуриш ва янгича яшаш тарзига асосланган миллий-маънавий тафаккури ва дунёқарашини шакиллантириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади;

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ва маънавий ислоҳотларга мос равища ўзбек миллий давлатчилик тарихимиз, миллий ўзлигимиз, анъана ва қадриятларимиз руҳини, замонавий ислоҳотларнинг маънавий-мағкуравий моҳиятини ўқувчи ёшларимиз онгига сингдирадиган;

ундаги ватанпарварлик, миллатпарварлик, меҳнатсеварлик ва ўзбекона ахлоқ-адоб, миллий маданият руҳида тарбиялай оладиган ижтимоий-маданий тараққиётни ривожлантириш доимий ва узлуксиз жараён бўлиб кун тартибидаги энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

**ЭТЬИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ**